2012 йил Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2012-YIL 20-SENTABR, PAYSHANBA, 110 (8035) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

## ПРЕЗИДЕНТ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 2012 йил 19 сентябрь куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

Ташриф чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни кенгайтириш истиқболларини, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Учрашув ва музокаралар якунлари бўйича Қўшма баёнот, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларнинг устувор соҳаларидаги мулоқотни чуқурлаштиришга йўналтирилган ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

**ЎзА**

## ИСЛОМ КАРИМОВ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ

**СЕУЛ. 19 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 19 сентябрь куни давлат ташрифи билан Сеулга келди.

Ўзбекистон раҳбари шарафига икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган ва фахрий қоровул саф тортган Корея Республикаси пойтахти аэропортида бўлиб ўтган расмий кутиб олиш маросимидан кейин мамлакатимиз делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Мунтазамлик касб этган ушбу ташриф олий даражадаги Ўзбекистон-Жанубий Корея мулоқоти доирасида бўлиб ўтмоқда. Бундай учрашувлар чоғида томонлар кўп қиррали ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболларига доир кўплаб масалаларни муҳокама қилиб, очиқлик ва ўзаро англашув руҳида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кенг кўламли долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ташрифининг асосий тадбирлари, хусусан, Корея Республикаси Президенти ва ушбу мамлакатнинг бошқа раҳбарлари билан расмий музокаралар, Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувлар 20-21 сентябрь кунларига мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, учрашувлар якунида Қўшма баёнот, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинади.




# ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

**Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар учун яратилган қулай инвестицион муҳит, уларга берилган қатор имтиёз ва преференциялар кўплаб мамлакатлар сингари Корея Республикаси тадбиркорларида ҳам юртимизда бизнес юритишга катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Мамлакатимизда Жанубий Корея сармояси иштирокида тузилган тўрт юздан зиёд корхона фаолият юритмоқда. Улар асосан тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, фармацевтика, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётир.**

Фарғона вилоятида жанубий кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ўндан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Қувасой шаҳридаги "Fergana Ic global international", Фарғона шаҳридаги "Uz hanwoo engineering", "Korea Hana Medical Invest", Фарғона туманидаги "Fergana-oseana" каби қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўз харидорларини топган.

Тошлоқ туманидаги "Sta sam yang plastik Co. LTD" қўшма корхонасида уй-рўзғор учун пластмасса маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Йигирма нафардан зиёд ишчи меҳнат қилаётган мазкур корхонада дастлаб 5-6 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, бугун уларнинг сони ўттиздан ошди.

– Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ҳамда экологик жиҳатдан софлиги билан ажралиб туради, – дейди қўшма корхона раҳбари Собиржон Зокиров. – Ички бозорда маҳсулотларимизга талаб ортиб бормоқда. Мутахассисларимизнинг изланишлари натижасида маҳсулотлар тўлиқ маҳаллий хомашё асосида тайёрланмоқда. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 500 миллион сўмлик маҳсулот харидорларга етказиб берилди.

Сурхондарё вилоятидаги «Агрохизмат-Шингдонг» қўшма корхонасида ўсимлик мойи, «Shindong-Spinning-Termez» қўшма корхонасида калава ип ишлаб чиқарилмоқда, "Ўрта Осиё Қизилмия" корхонасида эса шифобахш гиёҳ – ширинмия ўсимлиги қайта ишланмоқда.

Сурхондарёда етиштирилаётган пахта хомашёси енгил саноатни изчил ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратмоқда. Воҳада парваришланаётган пахта қуёш нурига тўйиниб етилгани, тола сифатининг юқорилиги ва ундан тайёрланган калава ипнинг пишиқлиги енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

# ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЮКСАК БАҲОЛАМОҚДА

**Тошкентда 12-14 сентябрь кунлари «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Қуйида халқаро анжуманнинг хорижий иштирокчилари томонидан билдирилган фикрлар билан танишасиз.**

**Чонг Янг ЛИ, Питтсбург университети профессори, Ишбилармонлик тадқиқотлари маркази директори (АҚШ):**

– Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланиб бораётгани жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистон Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, жумладан, ташқи савдони янада эркинлаштириш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Экспортчи корхоналарга берилаётган имтиёз ва преференциялар келажакда кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

**Пак Му ЖОНГ, «Korea Times» газетаси президенти ва нашри (Жанубий Корея):**

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур анжуман, конференциянинг барча иштирокчилари фикрича, ўз вақтида ташкил этилди. Негаки, ҳозир жаҳон иқтисодиёти ривожида муҳокама этилиши зарур муаммолар йўқ эмас.

Бундай шароитда кичик бизнес иқтисодиётда, айниқса, муҳим ўрин тутади. Кичик бизнеснинг ривожи жаҳон иқтисодий инқирози билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Ўрта синфга кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали ёрдам бериш энг тўғри йўлдир.

Президент Ислом Каримовнинг оқилона раҳбарлигида ривожланиб бораётган Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси ва танлаган йўли жаҳон иқтисодиётидаги инқироздан азият чекаётган кўплаб мамлакатлар учун яхши намуна бўлиши мумкин.

**Виллем ХААГСМА, Голландия экспорти конфедерацияси президенти (Голландия):**

– Бугун Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи янада мустаҳкамланмоқда. Кўпгина давлатларнинг етакчи фирма ва компаниялари мамлакатингизга тўғридан-тўғри инвестиция киритишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Ўзбекистонда бундан йигирма йил аввал бўлганман. Ўтган вақт мобайнида юртингизда иқтисодиёт, қурилиш, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда рўй берган улкан ўзгаришлар ва эришилган муваффақиятлар мени лол қолдирди. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кўп ва бу, шубҳасиз, мамлакатингиз иқтисодиётининг янада равнақ топишига ёрдам беради.

**Фахд ал-МЕКРАДА, Араб очиқ университетининг узлуксиз таълим бўйича бош директори (Кувайт):**

– Ўзбекистоннинг турли тармоқлар ва соҳалардаги ютуқлари мени ҳайратга солди. Мамлакатингизда Президент Ислом Каримов Жаноби Олийлари томонидан ишлаб чиқилган аниқ ва пухта ўйланган мақсадлар мавжуд. Бу ерда ҳар бир фуқаро ўзининг аниқ мақсадларига ва келажакка қатъий ишончга эга. Мамлакатингиз изчил ва барқарор ривожланмоқда. Ёшларга ўзини қизиқтирган ва замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши учун барча имкониятлар яратилган.

Мен Тошкентдаги туризм коллежида бўлдим ва ўғил-қизларнинг ватанпарварлигига қойил қолдим. Мен улардан келажакдаги мақсадлари ҳақида сўраганимда, ўқувчилар ўқишни тамомлаб, Ўзбекистон тараққиёти йўлида хизмат қилиши ва бу йўлда бор куч-ғайратини аямаслигини айтишди.

**Александр АНТОНОВ, Канаданинг Ўзбекистон Республикасидаги фахрий консули:**

– Шуни таъкидлаш жоизки, Канада делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида биз Чирчиқ шаҳридаги «Ўзтекс-Чирчиқ» тўқимачилик корхонаси фаолияти билан танишдик. Корхона бизда катта таассурот қолдирди. Айниқса, корхонада ишлаётган қишлоқ қизлари компьютерлаштирилган технологияларни эркин ва маҳорат билан бошқараётгани Ўзбекистон танлаган иқтисодий тараққиёт йўлининг нақадар тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади.

**Правда РАТХОР, «World Mass Communication» журналининг маркетинг ва халқаро савдо бўлими бошлиғи (Ҳиндистон):**

– Тараққиётнинг «ўзбек модели»ни муваффақиятли амалга ошираётгани натижасида Ўзбекистон бугун бутун дунёда катта обрў-эътиборга эга. Мамлакатингиз 20 йиллик мустақил ривожланиш йўлини босиб ўтиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида улкан ютуқларга эришди. Ўзбекистон – саноати ривожланиб бораётган давлат. Мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши, ушбу соҳада бандлик даражасининг ошиб бораётгани унинг иқтисодий юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий сиёсатнинг устувор ва энг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

**Казуо КАНЕКО, Япониянинг ташқи инсон ресурслари ва саноатни ривожлантириш ассоциацияси президенти (Япония):**

– Ўзбекистонда шакллантирилган «корхона-коллеж» тизими, шунингдек, таълим муассасаларининг меҳнат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги аҳолини иш билан таъминлаш тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда ва салоҳиятли кадрларни тарбиялаш ва қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда.

# ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги асосида ташкил этилган «Shindong-Spinning-Termez» қўшма корхонаси замонавий технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, йилига 2,3 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозир бу ерда 230 киши меҳнат қилаётир. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир.

Қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда цехларнинг босқичма-босқич модернизация қилинаётгани муваффақиятлар омили бўлаётир. Ўтган йилларда хорижлик сармоядорлар томонидан қўшма корхонага 8 миллион 748 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Япония, Швейцария, Жанубий Корея ва Италияда ишлаб чиқарилган технологиялар ўрнатилди. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилиб, жаҳон бозорида харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариши учун барча қулайлик яратилмоқда.

– Цехларимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини замонавий технологиялар воситасида мунтазам назорат қилиб борамиз, – дейди сифат назорати лабораторияси ходими Ўғилшод Қурбонова. – Маҳсулотларимизнинг халқаро талабларга мос ҳолда тайёрланиши замонавий компьютер тизими орқали кузатиб борилади. Корхонамизда халқаро стандартлар талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимидан фойдаланилаётгани натижасида маҳсулотларимиз маҳаллий ва чет элдаги буюртмачиларга манзур бўлмоқда.

Жанубий кореялик сармоядорлар иштирокида рўёбга чиқарилаётган бундай лойиҳалар томонлар ўртасида алоқаларнинг тобора ривожланиб, янги босқичга кўтарилаётганининг амалдаги яна бир ифодасидир.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

## ФИКР

**Тириклик манбаи. Табиатнинг бетакрор мўъжизаси. Саломатлик гарови. Фаровонлик омили... Бу тавсифу таърифларнинг барчаси сувга – обиҳаётга берилган. Ҳа, шундай. Ҳаётимизда, тараққиёту фаровонликда сувнинг аҳамияти беқиёс.**

# СУВНИНГ ҚАДРИ – БЕБАҲО

Ривоят қилишларича, бир бадавлат кишига шундай савол беришибди. "Агарда бепоён чўлда очиқиб қолсангиз, шунда бир бурда нон узатишса, нима берар эдингиз?" Шунда бояги киши жавоб берибди: "ярим давлатимни берардим." "Агарда чанқаб қолсангизчи?" "Бор давлатимни" деб жавоб берган экан бадавлат киши.

Ушбу ривоят сувнинг бебаҳо неъмат эканлигини ифодалайди.

Энди фикримизни кенгроқ миқёсга кўчирсак. Ер шарининг тўртдан уч қисмини сувликлар эгаллаган. Аммо шундай катта ҳажмдаги сувнинг жуда оз қисми истеъмолга яроқли. Унинг ҳам аксарият қисми музликларда жойлашган. Асосий қисми эса ичишга яроқсиз, шўр денгиз сувларидир. Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида тоза сув муаммоси ўткирлашиб бормоқда. Мутахассислар фикрича, 2025 йилга бориб, дунё бўйича 3,5 миллиард инсон тоза ичимлик суви танқислигини сезади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, сув саломатлик гарови ҳамдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, инсон саломатлигига таъсир этаётган омилларнинг 30-40 фоизи сув таркибининг бузилишига тўғри келади. Обиҳаётнинг яхши тозаланмаслиги оқибатида аҳоли ўртасида жуда кўп касалликлар чиқаётганлиги жаҳон олимларини ташвишлантирмоқда.

Сувни эъзозлаш қадриятларимиздан. Ота-боболаримиз сувни муқаддас билиб келишган. Ундан оқилона фойдаланишган. Биз авлодлар ҳам сувни қадрлаб, ундан самарали фойдаланмоғимиз лозим.

Она юртимизнинг ҳар бир неъмати – заррин тупроғи, мусаффо осмони, зилол сувлари бебаҳодир. Шундай экан, бу неъматларни кўз қорачиғидай асраш ҳар биримизнинг муқаддаси бурчимиздир.

**Нигора ТЎЙМУРОДОВА**

## ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

# ЗАМОНАВИЙ ФАРМАЦЕВТИКА ВА ТИББИЁТ УСКУНАЛАРИ НАМОЙИШИ



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

**Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да саккизинчи халқаро ихтисослашган "PharmMedExpo Uzbekistan–2012" тиббиёт кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги,, Савдо-саноат палатаси, "Ўзфармсаноат" Давлат акциядорлик концерни "Дори-дармон" акциядорлик компанияси, хорижий фармацевтика компанияларининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари уюшмаси кўмагида ташкил этилган.

Кўргазмадан кўзланган асосий мақсад – соҳа мутахассисларини замонавий даволаш-соғломлаштириш хизматлари, янги технологиялар, дори-дармон воситалари билан таништириш, шунинг баробарида ўзаро тажриба алмашишдан иборат.

Кўргазмада Ўзбекистон, Буюк Британия, Ҳиндистон, Украина, Покистон, Россия, Қозоғистон каби мамлакатларнинг ўнлаб корхона ва фирмалари соҳадаги охирги ишланмаларини намойиш қилишмоқда. Бу ерда замонавий тиббиёт технологиялари дори-дармон, ташхис қўйиш ва даволаш услублари, тиббиёт соҳаси учун махсус мебеллар билан танишиш мумкин.

Саккизинчи халқаро ихтисослашган "PharmMedExpo Uzbekistan–2012" кўргазмаси давом этмоқда.

**Зулфия АҲМЕДОВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ЙЎЛЛАР РАВОН

## СОҲАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯ САМАРАСИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛАЁТИР

**Мамлакатимизда барча соҳалар сингари автомобиль йўллари ва транспорт хизмати тармоғи ҳам тубдан яхшиланиб бормоқда. Одамлар турмушини янада яхшилайдиган, уларга қулайлик яратадиган, вақтини тежайдиган, сирасини айтганда, оғирини енгил қиладиган хизмат турларидан бири ҳам шу транспорт инфратузилмасидир. Автомобиль йўллари соҳасини ривожлантирмай туриб эса, сифатли транспорт хизмати кўрсатиб бўлмайди.**



Президентимиз раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган ишлар автомобиль йўллари қурилишини ва транспорт хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, одамлар турмуш даражасининг ўсишига омил бўлмоқда. Бу жараёнда соҳага жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг ҳам муносиб улуши бўлаётир.

Маълумки, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги "2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги Қарорига асосан Республика йўл жамғармаси томонидан халқаро молия институтлари маблағлари иштирокида Ўзбекистон миллий магистралининг 453 километрида қурилиш ва реконструкция ишлари қилиниши белгиланган бўлиб, бу борада ишлар олиб борилмоқда. Мазкур қурилиш ишларига Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банкининг сармоялари жалб қилинган.

Автомобиль йўлларини ўз вақтида таъмирлаш ва лозим даражада сақлашни таъминлаш, инфратузилмани янада ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган ишлар кўлами ҳам кенгаймоқда. Ана шундай ишлардан бири "Ғузор – Чим – Кўкдала" автомобиль йўлида амалга оширилиши белгиланган. Бу ерда Президентимизнинг 2011 йил 28 декабрдаги "Саудия тараққиёт жамғармаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида "Ғузор – Чим – Кўкдала" автомобиль йўлини реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан 4 тасмали 73 километр асфальтобетон қопламали автомобиль йўлини реконструкция қилиш режалаштирилган бўлиб, айни вақтда лойиҳанинг техник-иқтисодий ҳисоби тасдиқланди.

Инвестиция самарасини янги йўллар қурилишида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, "Ғузор – Бухоро – Нукус – Бейнеу" автомобиль йўлида олиб борилаётган ишларда. Жанубий Кореянинг "POSCO Engineering & Construction Co.LTD" компанияси билан ҳамкорликда 2 тасмали 51,2 километр цементобетон қопламали автомобиль йўли қурилиб, 42,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди. Шунингдек, Хитойнинг "China Road and Bridge Corporation" компанияси ҳамкорлигида эса айни шу йўл қурилишида 12,1 миллион АҚШ доллари миқдорида иш бажарилди. Қолаверса, шу жабҳада Германиянинг "GP Papenburg Baugesellschatt mbH" компанияси билан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ушбу компания томонидан 40 километр йўлнинг асосий юқори қатлами тайёрланиб, 28 километр цементобетон қопламали автомобиль йўли қурилди. Бу борадаги ишлар "Тошкент – Ўш" автомобиль йўлида ҳам олиб борилиши режалаштирилган. Ушбу йўлнинг Қамчиқ довонидан ўтувчи қисмидан 4 тасмали 74 километр цементобетон қопламали автомобиль йўли реконструкция қилинади. Мазкур объект қурилишида хорижий корхоналар иштирок этишади.



Таъкидлаш жоизки, амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар соҳанинг техника негизи мустаҳкам бўлишини талаб этади. Шу боис, бу борада ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина мисол, V-халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида "JV-MAN Auto Uzbekistan" билан 11 турдаги 228 дона техникани етказиб бериш бўйича ва 6 та хорижий ташкилотлар билан 12 турдаги 144 дона техникани етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланди. Шу билан бирга, Германиянинг "Bauer Mashinen Gmbh" компанияси билан кўприкқурилиш мажмуаси учун техника ва асбоб-ускуналарни харид қилиш борасида келишувларга эришилган. Замонавий техникалар эса иш унумини янада ошириб, йўллар қурилишини тезлаштиради, уларнинг янада равон бўлишига хизмат қилади.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах Вилояти

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНГАНЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

# ИЗЛАНИБ ИШЛАМОҚДА, ИШЛАБ БУНЁД ЭТМОҚДА

**Жиззах туманидаги Деҳқонобод қишлоғининг бир томони Жиззах чўли кенгликларига, иккинчи томони Нурота тизма тоғи қир-адирларига туташиб кетган. Камол Ўрозбоев шу қишлоқнинг обрў-эътиборли, фаол, тўйларда тўйбоши, меҳнатда ишбоши, ҳашар ва бошқа ишларда ташкилотчи кишиларидан бири.**

Шу билан бирга, бўш вақт топди дегунча, мактабда қишлоқдаги ҳар бир боланинг қандай ўқиётгани, одоб-ахлоқи, ким билан дўстлашиб, қаерларга бориши, шифохонада қайси бемор аҳволи қандайлиги, дори-дармонлари, газ ва электр идорасида эса қишлоқдошларининг қарздорликлари бор-йўқлиги, хуллас, ҳамма нарса билан қизиқади. Шу боис, бу тиниб-тинчимас отахонни қишлоқдаги каттаю кичик бирдек ҳурмат қилади. Ҳозирда етмиш ёшда бўлишига қарамай «Саҳоб» фермер хўжалигига раҳбарлик қилаётир. Истиқлол байрами арафасида Юртбошимиз Фармони билан у «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.



*Камол Ўрозбоев ўғли Ҳусниддин билан пахтазорда.*

Истиқлол берган имкониятдан фойдаланиб, меҳнат қилаётган Камол Ўрозбоев 1994 йилда 70 гектар ер олиб, аввалига лалми деҳқончилик билан шуғулланди. Икки-уч йил ғалла ва бошқа экинлардан яхшигина ҳосил олди. Тўртинчи йилга келиб, об-ҳаво шароитининг ноқулайлигидан шартнома режаларини учма-уч бажариб, даромадлар қониқтирмади. Шундан сўнг фарзандлари — Ўролжон, Суннатжон, Ҳусниддин, Хайриддин, Сирожиддин ва Саҳобжонларни ёнига олиб, ариқ қазиди. Ерга сув олиб келди. Лекин бу билан экин майдонларини сувли ер деб бўлмасди. Шартли суғориладиган ер бўлди. Шунда ҳам ҳаммаси эмас, 40 гектари. Буни қарангки, оз ердан ҳам кўп ҳосил олса бўлар экан.

— Буларнинг асосий омили биз фермерларга яратиб берилаётган шароитда, — дейди фермер. — Ўғитимиз, уруғлигимиз дала бошигача келтириб берилаётган бўлса, банклар ўз вақтида кўмак бериб турган бўлса, биздан фақат меҳнат қилиш, ташаббус кўрсатишгина бўлса, бас. Даромадимиз ошиб, турмушимиз фаровонлашиб боряпти. Мана ўзимиздан қиёс: ўтган икки-уч йилда иккита чопиқ трактори, иккита культиватор, чигит экадиган сеялка ва бошқа техника воситалари харид қилдик. Чиройли дала шийпони, 60 сотих ерда боғ барпо этдик. Барчаси даромад юқорилигидан, манфаатдорлик ошишидан-да.

Фермер хўжалигида бу йил ҳар гектар ғаллазордан 50 центнердан ҳосил олишди. Шартнома режасидан ортган ғалла ишчи ва механизаторларга тарқатилди. Айни пайтда 25 гектар пахтазор ҳосили кўрган кўзни қувонтиради. Фермернинг техникаси етарли. Булардан ташқари, ўн беш бош қорамол, 60-70 та қўй-қўзи, кўплаб паррандаси ҳам бор. Боғ ҳосилга кирди. Қишлоққа саноат олиб кириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида жорий йилда меваларни қайта ишлайдиган технология олиш ниятида. Шунда сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаш имконияти туғилади.

Ҳа, Камол Ўрозбоев мана шундай изланиб ишлаётган, ишлаб бунёд этаётган ва бу хислатлари билан барчага ибрат бўлаётган фидойи фермер.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**




# АДИРЛАР САХОВАТИНИ КЎРИНГ

**Август ойида — ҳарорат меъёрига нисбатан анча юқори кўтарилган кунларда Андижон туманидаги адир томонларга йўлимиз тушди. Паст-баланд адирларнинг ёнбағирлари бўйлаб борар эканмиз, ям-яшиллик кўзимизни яшнатарди. Адирларнинг баланд нуқтасига кўтарилганда эса манзара янада чирой очди. Бу ердан кўриниб турган мевали боғларга, сабзавот майдонларига қараб, унинг соҳибларига тасанно айтдик.**

Ушбу адирларда аввалла-ри ҳам бўлганмиз. Сув муаммоси боис деҳқонларнинг ҳасратларини ҳам эшитганмиз. Энди эса боғбону соҳибкорларнинг, деҳқонларнинг шоду хуррамлигига гувоҳ бўлдик. Илҳомжон Абдуллаев эндигина 32 ёшда. У "Зокиржон" фермер хўжалигини бошқаради. Акаси Зокиржон ва яқинлари адир шароитида меҳнат қилишнинг ҳадисини олишган. Уларга тегишли беш гектар ернинг бир томони анжирзор бўлса, қирнинг этагини анорзор эгаллаган.

— Бир муддат адирда сув муаммоси пайдо бўлиб, кўплаб деҳқонлар бу ерни тарк этишди, — дейди Илҳомжон Абдуллаев. — Келаётган оз сувдан имкон қадар фойдаланиб, боғларимизни сақлаб туришга уринавердик.

Ярим гектар анжирзордан умид қолмаган эди. Қолаверса, қишнинг қаттиқ келиши ҳам анжирзорни ҳолдан тойдирди. Машина каналининг капитал таъмирланаётганлиги боис, сув келиши барқарорлашди. Қуриётган анжирзорга жон кириб, юз фоиз кўкариб кетди. Меваларнинг йириклиги ва ширадорлиги унинг бир донасини еганингиздаёқ билинади.

— Адир анжирига харидор шу қадар кўпки, баъзилар узоқ йўл босишиб, боғимизга келишади, — дейди Илҳомжон. — Анорзорларни айтмайсизми, ҳар бир дона анор чойнакдек келади. Қўни-қўшни фермерларнинг боғларида ҳам худди биздагидек манзара. Бизнинг ташвишимизни қилиб, пул сарфлаб қирма-қир бетон ариқлар қуриб, сув келтиргнларга минг раҳмат. Ҳали кўрасиз, Отчопар ва Тешиктош адирлари ҳам боғ-роғга айланади.

Адирнинг узуми, шафтолиси, олмаси, ўриги, хуллас, бу ерда ҳосил берадиган мевали дарахтлар бошқа ерларга нисбатан касалликларга чидамли бўлиб ривожланади. Мевалари ширали ҳамда куз-қиш ойларида сақланиш муддати ҳам узоқ давом этади.

Айтайлик, бошқа ерда етиштирилган пиёзга нисбатан адирники қарийб юз кун узоқроқ сақланади. Бу ҳақда адирда мева ва сабзавот етиштириш ҳадисини олган барча деҳқонлар ҳамда боғбонлар мисоллар билан айтиб юришади.

Адирларни комплекс ўзлаштириш мақсадида "Улуғнор" насос станцияси барпо этилган эди. Насосдан секундига олинадиган 6,3 кубометр сувни адирларга етказиб бериш учун умумий узунлиги 13,8 километрдан иборат машина канали қурилиб, фойдаланишга топширилганди. Йиллар ўтиши билан адирлар саховатли гўшага айланди. Бироқ мавжуд иншоотлардан фойдаланишда узвийлик етишмади. Насос агрегатларининг эскирганлиги, машина канали айрим қисмларининг ўпирилиши ёхуд чўкиб кетиши оқибатида адирларга сув етказиб бериш ҳажми қисқариб кетди.

Аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар доирасида адир деҳқончилигини тиклаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Жумладан, Президентимизнинг 2008 йил 10 сентябрдаги Қарори билан "Улуғнор" насос станциясини тамомила янгилаш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга киришилди. Умумий қиймати 8 миллион 85 минг АҚШ доллари бўлган йирик иншоот Хитой Халқ Республикасида тайёрланган технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Энергия тежовчи, сув чиқариш қобилияти юқори насос агрегатларининг қудрати билан 5500 гектар экин майдонига сув етказувчи станция 2010 йилда босқичма-босқич фойдаланишга топширилди. Сўнгра эса Қорадарёдан насослар ёрдамида секундига олинаётган 6,3 кубометр сувни ҳар бир



қирга, далага етказиб бериш манбаи бўлган машина каналида реконструкция ишларини бошлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Ўтган йилдан бошлаб реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлиб, "Андижондавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси қурувчилари томонидан белгиланган ишлар бажарилмоқда. Чунончи, 2011 йилда машина каналининг 3,4 километрли қисми фойдаланишга топширилди. Жорий йилда ҳам ўтган йилга нисбатан кўпроқ иш бажарилиши белгиланган бўлиб, ҳозирда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, 3,8 километр масофага дюкер учун йирик сиғимли қувурлар ётқизилиши белгиланган. Ҳозирда ушбу мураккаб технологик жараён ўз ижросини топмоқда.

Корхона раҳбари Иқболжон Жўраевнинг бизга берган маълумоти ва қурилиш майдонида кўрганларимиз бир-бирига мос тушади. Эски ўзанни тозалаш, ўпирилган жойларни аниқлаш, сўнгра бетон қуйиш, далаларга сув берадиган "дарвоза"ларни ўрнатиш ишлари бораётир. Иш юритувчи Олимжон Муродов нивелир билан бажарилаётган ишларни доимо кузатиб бормоқда. Адир шароитида экскаватор бошқараётган Фурқатбек Бобоевнинг ҳам ўз касбига содиқлигини кўрасиз. Хуллас, адирларга сув келтириш ва унинг таъминоти бир маромда бўлишини таъминлаш учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар юзлаб фермерларнинг қувончига қувонч қўшмоқда.

Энди адирларда боғ-роғ яратиш кўлами кенгайиб бормоқда. Бир қатор саноат корхоналари ташаббуси билан ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилмоқда. 2010-2011 йилларда ташкил этилган ёрдамчи хўжаликларнинг янги боғлари бу ёзда нишона ҳосил кўрсатди. Сабзавот ва полиз экинлари етиштирилиб, ишчи-хизматчиларга бозордагидан кўра арзон нархларда тақсимланмоқда. 2013 йилнинг биринчи апрелига қадар "Улуғнор" насос станцияси сувини далаларга етказиб берувчи машина канали тўла ишга тушади ва жуда кўплаб боғ-токзорларни ҳосилга киритишга мадад беради. Бунинг учун биргина жорий йилда 70,7 минг кубометр тупроқ, 4963 кубометр бетон ишлари бажарилиши лозим. Шунинг баробарида 1860 кубометр фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган эски бетонларни бузиш керак бўлади.

Президентимиз ва ҳукуматимизнинг сув хўжалиги тизимини янада яхшилашга қаратилаётган эътиборининг Андижондаги ижроси ҳақида тўхталадиган бўлсак, объектларнинг саноғини олиш осон кечмайди. Жумладан, яқинда Бўз туманидаги "Янги ҳаёт" массивида катта Андижон каналидан секундига 500 литр сув оладиган "Пасткичик" насос станцияси фойдаланишга топширилди. Унинг нақадар ҳаётий зарурат эканлигини мазкур массивдаги фермерлар барчамиздан кўра яхшироқ билишади.

Андижонликларнинг фахри бўлган, қарийб 350 гектар майдонни эгаллаган Бобур номли боққа секундига 200 литр сув чиқарадиган насос станцияси қурилиши учун пойдевор қазиш ишлари бошланди. Илгари қурилган насос станцияси бугун энига ва бўйига адир бўйлаб кенгайиб бораётган машҳур дам олиш масканини янада ривожлантиришга қурби етмай қолган эди. Қурувчилар ва монтажчилар бу иншоотни 2 ой мобайнида ишга туширишни мақсад қилиб туришибди.





**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Футбол – дунёдаги энг оммавий спорт турларидан бири. Бугунги кунда жаҳон миқёсида минглаб футбол клублари фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзининг миллионлаб мухлисларига эга. Шу боис, футболни "миллионлар ўйини" деб ҳам атайдилар.*



# МУХЛИСЛИК МАДАНИЯТИ – томоша кўрки

Давлатимиз раҳбарининг футболни ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори мамлакатимизда ушбу спорт турини равнақ топтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 1 майда қабул қилинган "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди. Бугун ушбу жамғарма томонидан болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканлари, сунъий қопламали майдонларни барпо этиш, футбол мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган 2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид қарори асосида ушбу спорт тури билан шуғулланувчилар учун замонавий шарт-шароитлар яратилаётир.

Энг улуғ ва энг азиз айём – Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами арафасида қуриб битказилган "Бунёдкор" стадиони бу борадаги эзгу ишларнинг амалдаги юксак ифодаси бўлди.

Ушбу янги иншоот билан танишган Президентимиз томошабинлар маданияти хусусида алоҳида тўхталиб, халқимизнинг гўзал фазилатлари мана шундай стадионларда ўтказиладиган футбол учрашувлари, турли спорт мусобақаларида ҳам намоён бўлиши керак, ким қайси жамоа ёки футбол клубига мухлислик қилишидан қатъи назар, унда ўзаро ҳурмат, юксак маданият бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Бу масала бугунги кунда 209 мамлакат футбол федерацияларини бирлаштирган Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА олдида ҳам долзарб бўлиб турибди. Чунки футбол жаҳон бўйлаб кенг ривожлангани сари "фанатизм", "ирқчилик", "футбол безорилари" каби хунук одатлар илдиз отаётгани сир эмас.

"Фанат" сўзи лотинчада "кўр-кўрона ишонувчи", "асабий" деган маъноларни билдиради. Мухлислик ниқоби остидаги фанатизмни аслида футболнинг жозибадорлигига путур етказаётган, миллатлараро тотувлик ва инсонийликни оёқости қилаётган "оммавий маданият"нинг бир кўриниши, десак муболаға бўлмайди. Ачинарлиси, кўпчилик "фанат" сўзининг мазмун-моҳиятини тўла тушунмасдан, мухлислик билан адаштириб юборади. "Мухлис" сўзи эса "ихлос қўйган", "ишонган" деган маъноларни билдиради.

Фанатларнинг ўзини тутишини, хатти-ҳаракатларини кузатганмисиз? Улар футбол пайтида ёки ўйиндан кейин уюштириладиган тажовуз ва тўполонларга олдиндан тайёргарлик кўради. Баъзи фанатлар трибунада яланғоч ҳолда баданидаги турли татуировкалари ва тақинчоқлари, бачкана соч турмакларини кўз-кўз этиб, бақир-чақир қилади. Бундай иллатлар ҳали дунёқараши тўла шаклланмаган болаларда "футболни севиш шундай бўлар экан-да", деган тасаввур уйғотиши ва уларни ҳам шу йўлга бошлаши мумкин

Ашаддий фанатларга барибир: жамоаси ютса, рақиб томонни камситиб жанжал чиқаради, ютқазса аламини бошқалардан олади. Ҳар икки ҳолатда ҳам иш ур-йиқит ва ёқа йиртишгача боради. Бунинг жабрини эса футбол жамоатчилиги, ҳақиқий мухлислар ва футболчилар тортади.

– Мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши футболчиларга куч-ғайрат бағишлайди, ғалабага ундайди, – дейди Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Одил Аҳмедов. – Лекин бунда ҳам меъёр, маданият бўлиши керак. Ўз жамоасини қўллаб-қувватлайман деб бошқа жамоа аъзоларининг нафсониятига тегмаслик лозим.

Халқаро миқёсдаги учрашувлар, хусусан, футбол клубларининг минтақавий мусобақалари, қитъа ва жаҳон чемпионатларида ҳам фанатлар иштирокидаги тўс-тўполонлар кузатилаётгани мутахассисларни хавотирга солмоқда. Мисол учун, 2010 йилги жаҳон чемпионатидаги омадсизликдан сўнг италиялик фанатлар терма жамоа бош мураббийи Марчелло Липпининг машинасини тошбўрон қилишга уринган. Ваҳоланки, бу таниқли мутахассис 2006 йилда Италия миллий терма жамоасини жаҳон чемпиони қилган эди.

Бугун футбол мутасаддилари майдон ичида ва атрофида тез-тез учраб турган бундай иллатларга қарши курашаётган бўлса-да, муаммони бутунлай бартараф қилиш қийин кечаяпти. Бу ҳолат баъзан инсонлар ҳаётига ҳам зомин бўлмоқда. Шу йилнинг 1 февраль куни Мисрнинг Порт-Саид шаҳрида мезбон жамоа – "Ал-Масри" ва мамлакатнинг етакчи футбол клуби "Ал-Аҳли" ўртасидаги учрашув оммавий жанжалга айланиб кетди. Фанатлар уюштирган тўполонда етмиш нафардан зиёд одам ҳаётдан кўз юмди, беш юз нафардан кўпроғи турли даражада тан жароҳати олди. Бу пойтахтда ҳам ўз акс-садосини берди. Мамлакат футбол федерациясининг миллий чемпионат ўйинларини тўхтатиш ҳақидаги қароридан ғазабланган фанатлар пойтахтдаги стадионлардан бирига ўт қўйди. ФИФА эксперти Вальтер Гагг бу оммавий тартибсизликлар олдиндан режалаштирилганини таъкидлади.

Бугун ҳар бир замонавий стадионда мухлисларнинг маданий ҳордиқ чиқариши, дам олиши, чиройли ўйиндан баҳраманд бўлиши учун барча шароит муҳайё. Мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида замон талабларига тўла жавоб берадиган стадионлар барпо этилмоқда. Терма жамоаларимиз, олий ва биринчи лига клублари иштирокидаги учрашувларда фанатизм билан боғлиқ муаммолар кузатилгани йўқ. Аммо бундан хотиржамликка берилиш, бепарво бўлиш мумкин эмас.

– Биз футболчилар ва мураббийлар билан доимо дўстона алоқадамиз, – дейди Ўзбекистон терма жамоаси мухлислари клуби етакчиси Абдураҳмон Фозилов. – Байрамлар ва ғалабаларда бир-биримизни табриклаймиз. Мағлубият бўлганда йигитларнинг руҳини кўтаришга ҳаракат қиламиз. Бунга жавобан улар чиройли тўп суриб, мухлисларни хушнуд этишга интилади. Жамоаси ютса мақтаб, ютқазса ҳақоратлаб, сўкиниш мухлислик эмас, балки маданиятсизликдир. Бу билан ҳеч нарсага эришиб, футболни ривожлантириб бўлмайди.

Ўзбекистон терма жамоаси мухлислари клубининг ички низомига кўра, клуб аъзоси рақиб жамоа футболчилари, мураббийлари ва ишқибозларини, учрашув ҳакамларини ҳақорат қилмаслиги, стадионга спиртли ичимликлар истеъмол қилиб келмаслиги, мухлислар клуби билан келишмаган ҳолда бирор баннер ёки плакатларни кўтармаслиги керак. Хорижий мамлакатлардаги сафар учрашувлари чоғида эса ўша давлат қонун-қоидалари ва тартиб-интизомга тўлиқ риоя қилинади.

Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув жараёнлари ҳаётимизга жуда тез ва чуқур кириб бораётган ҳозирги замонда дунёнинг турли бурчакларида юз бераётган нохуш ва жирканч воқеа-ҳодисалар, ҳар хил хуружлардан ёш авлодни ҳимоялашнинг энг самарали усули уларнинг онги ва қалбида кучли маънавий иммунитетни ҳосил қилишдир.

Бунинг учун ёш авлодни мухлислик маданиятига ўргатиш, уларда бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, сабр-тоқат, дўстлик, мардлик каби халқимизга хос фазилатларни шакллантириш жуда муҳим. Ёшларимиз жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган улуғ алломаларимизнинг ворислари, бой маданиятга, эзгу қадриятларга эга халқимизнинг фарзандлари эканини англаса, жамоат тартибига риоя қилишни, одамлар орасида ўзини қандай тутишни яхши билса, бу мамлакатимизда спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга хизмат қилади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Қашқадарё Вилояти

# БИР ЗАМИН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

**Истиқлол йилларида юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг қадриятларини асраб-авайлаш, улар учун имкониятлар яратиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят "Ёшлар" марказида шу мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Унда таъкидландики, Президентимиз ташаббуси билан мустақилликнинг илк йилларида ташкил этилган республика Байналмилал маданият маркази юртимиздаги 140 дан зиёд миллий маданият марказлари ишини мувофиқлаштириш, уларга зарур кўмак кўрсатиш, ёшларни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жамиятимиздаги меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда вилоятда турли миллат ва элат вакиллари тинч-осойишта ҳаёт кечириб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Уларнинг ўз миллий анъана ва қадриятларини асраб-авайлашлари, урф-одат ва расм-русумларини адо этишлари ҳамда бу маънавий меросни ўсиб келаётган ёш авлодга етказишлари учун кенг имконият, шарт-шароитлар яратиб берилган.

— Мустақиллик шарофати билан мана шундай осойишта шароитда яшаб, турли миллатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатиб, юртимиз равнақи йўлида ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилаётганимиздан бениҳоя мамнунмиз, — дейди вилоят татар-бошқирд миллий маданият маркази раиси Феруза Ихсанова.

Давра суҳбатида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда миллий маданият марказларининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



## ҚИЗИЛ САЙЁРАДАГИ АНТИҚА ИЗ

**Марсда ҳаёт мавжудлигини исботлашга ҳаракат қилаётган олимлар қизил сайёрадан оёқ кийими ўрнига жуда ўхшаш изни аниқлади.**

NASAнинг Марсга учирилган «Curiosity» робот технологияси томонидан суратга олинган тасвирларни катталаштирган кузатувчилар бу изни кўриб ҳайратга тушдилар. Сайёра ҳақидаги муҳим маълумотларни ерга узатаётган «Curiosity» яқиндагина суратга олган лава оқимидаги филнинг бош тасвири ҳам кўплаб шов-шувларга сабаб бўлган эди.

## МУСИҚА АҚЛНИ ЧАРХЛАЙДИ

**Иллинойс университети олимларининг фикрича, болаларнинг мусиқадан мунтазам таълим олиши уларнинг ақлий фаолиятини яхшилар экан.**



Шифокорлар мусиқа билан шуғулланган болаларда эшитиш қобилияти кучаяди, деб таъкидлайди. Тенгдошларига нисбатан фанларни ўзлаштириш даражаси эса 3-4 баробар ортади. «Medical News Today» нашрининг ёзишича, мусиқа чолғу-асбобларидан фойдаланиш боланинг марказий асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, бош миядаги қон айланишини ҳам яхшилайди.



## КИТОБ ЎҒРИСИ

**Япония полицияси кутубхонадан қарийб тўққиз юзта китобни ўғирлаб олиб чиққан қарияни ҳибсга олди.**

Аввалига 61 ёшли Мицуку Суицу олти ой ичида кутубхонадан мутолаа учун ўн бешга яқин китобни олиб қайтармаганликда айбланган. Бироқ унинг уйи тинтув қилинганда тўққиз юзга яқин турли хилдаги ўғирланган ноёб китоблар топилган. Мицуку Суицунинг сўзларига кўра, у мутолаа қилган барча китоблар ўзида қолишини истаган ва кутубхонадан бир неча йиллар мобайнида ўғринча олиб чиққан китобларни қайтармаган. Китоб ўғрисининг кутубхонага етказган зарари икки миллион иенга (тахминан 25 минг АҚШ долларига) тенг. Энди Мицуку Суицуни ўн йиллик қамоқ жазоси ёки беш юз минг иен миқдоридаги жарима кутмоқда.

## «ШИРИН ДАРАХТ»

**Польша пойтахти Варшавада баландлиги олти метрга тенг шоколадли пальма дарахти яратилди.**





Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, ушбу ширин пальманинг оғирлиги 220 килограммга тенг ўттиз бешта барги бор. Дарахтнинг ўзи эса 500 килограмм тош босади. Шаҳардаги майдонлардан бирида "ўстирилган" бу пальмани тайёрлаш учун 300 соат вақт кетган. Акция ташкилотчиларининг сўзларига кўра, бундан кўзланган мақсад иш ташвишлари ва уй юмушларидан чарчаган пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари қалбига оз бўлса-да кўтаринкилик улашишдан иборат. Майдонга йиғилганлар ана шу лаззатли ширинликдан татиб кўриш имкониятига эга.

## ҚАРИЯЛАР ШАҲРИ

**2100 йилга бориб Токиода аҳоли сони икки баробар камаяди.**

Кексалар сони эса рекорд кўрсаткич – 45,8 фоизга ортади. Токио – Япониянинг аҳоли тез суръатларда ўсаётган шаҳарлардан бири. Бироқ аҳолишуносларнинг таъкидлашича, бундай ўсиш 2020 йилга бориб тўхтайди. Ўша вақтда мамлакат пойтахтида аҳоли сони 13,3 миллион кишига етади.

## СУНЪИЙ КЎЗ

**Австралиялик шифокорлар мураккаб жарроҳлик амалиётини амалга оширди.**



Хабарларга қараганда, кўзидан айрилган бир аёлга сунъий кўз ўрнатилган. Бионик деб номланган ушбу сунъий кўз процессор ва видеокамерадан иборат. Ҳозирча бемор фақат оқ ва қора рангларни ажрата олаяпти ҳамда тўсиқларни кўра олаяпти, холос. Шифоркорлар беморнинг тиниқ кўриши учун "кўз ускунасини" янада такомиллаштиришни режалаштирмоқда.

**Интернет хабарлари асосида Дилдора ЭШОНҚУЛОВА тайёрлади.**




(24 сентябрь – 30 сентябрь)

### ҚЎЙ (21.03 – 20.04)



Яқин кунларда хизмат поғонасида анчагина юқорилашингиз учун қулай вазият юзага келиши мумкин. Кимнинг ҳузурида қандай сўзлашда хато қилмасангиз, бунга эришасиз.

### БУЗОҚ (21.04 – 20.05)



Шу кунларда омад сиз томонда. Фақат бироз ташаббус кўрсатиб, фаолроқ бўлсангиз, бас. Мўмай даромад ўз оёғи билан келади. Нотаниш ҳамкорлар таклифини қабул қилмаганингиз маъқул.

### ЭГИЗАКЛАР (21.05 – 21.06)



Кўтаринки кайфиятда бўлганингиз боис ишларингиз ҳам бароридан келади. Лекин бу муваффақият учун хушчақчақликнинг ўзи етарли дегани эмас. Ғайрат-шижоат кўрсатишингиз лозим, албатта.

### ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 – 22.07)



Муҳим қарорларни қабул қилишда бир тўхтамга келишингиз ниҳоятда қийин кечиши мумкин эмас. Етти ўлчаб бир кесаман, дейсизу қулай фурсатни ўтказиб юборганингизни сезмай ҳам қоласиз.

### АРСЛОН (23.07 – 23.08)



Иш жойингизда касбий маҳоратга эга мутахассис эканингизни яна бир бор намоён этишингиз учун қулай вазият юзага келади. Эҳтимол, ўзингиз сезмаган ҳолда бироз мақтанчоқлик қилиб қўясиз.

### ПАРИЗОД (24.08 – 23.09)



Шу кунларда энг "бозори чаққон" киши айнан сиз бўласиз. Қизиқ, ҳамма танишбилишларингиз худди келишиб олгандек айнан сиз билан ҳамкорлик қилишни исташади.

### ТАРОЗИ (24.09 – 23.10)



Хушмуомалалигингиз ва ижодий имкониятларингиз билан атрофингизга янада кўпроқ кишиларни жамлашингиз мумкин. Аҳиллик ва ҳамжиҳатликда қилинган ишдан ҳали ҳеч ким норози бўлмаган.

### ЧАЁН (24.10 – 22.11)



Шундай чалкаш вазият юзага келадики, сиз на унинг келиб чиқиш сабабларини, на бартараф этиш чорасини билолмай ташвишда қоласиз. Вазият ойдинлашгунча сабр қилишингизга тўғри келади.

### ЎҚОТАР (23.11 – 21.12)



Руҳиятингизда сокинлик ва хотиржамлик ҳукмрон. Бундай кайфиятда муҳим молиявий масалаларни ҳал этишга киришмай турганингиз яхши. Шунда жиддий хатолардан ўзингизни сақлаган бўласиз.

### ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 – 20.01)



Фаолиятингизда анча вақт олдин юзага келган молиявий қийинчиликлар асорати айни кунларда янада яққолроқ сезилиши мумкин. Лекин даромад орттириш мақсадида таваккалчилик қила кўрманг.

### ҚОВҒА (21.01 – 20.02)



Сиз учун жуда омадли фурсатлар яқинлашмоқда. Қандай ишга қўл урманг, ҳаммаси бароридан келади, йўлингизга тўғаноқ бўлувчи кишилар ва муаммоларга умуман дуч келмайсиз.

### БАЛИҚ (21.02 – 20.03)



Бироз фурсат фаолликни бир четга йиғиштириб туришингизга тўғри келади. Бу бир ҳисобдан келгусидаги жиддий ишлар олдидан дам олиб, куч йиғиш учун жуда қулай имконият, тўғри эмасми?

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 728-09-78; Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар: 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир: Р.СУЯРОВ

Мусаҳҳиҳ: А.ЭЛМУРОДОВ

Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-914, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 22.10

15803 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 345